

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2024 йил апрель ойининг 9 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидаги очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Ш.Каримов ва Д.Халикназаровадан иборат таркибда, Ш.Дехқоновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Эрматов, ҳимоячи С.Сатторов, судланган С.Т., жабрланувчилар А.Р. ва Х.А.нинг иштирокида, С.Т.га оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти ва Ўзбекистон туман прокурорининг апелляция протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2024 йил 2 апрелдаги ҳукмига кўра:

Т.С.Э., [ ] йил [ ] сентябрда [ ] вилоятининг [ ] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, [ ] тумани, [ ] кўчаси, [ ] уйда яшаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, суд залидан қамоққа олинган.

Судланган С.Т.дан жабрланувчи А.Р. ва Х.А.га солидар тартибда 31.312.500 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Т. 2023 йил 19 ноябрь куни таниши А.Р.га полистра блок ишлаб чиқариш дастгоҳини 2.500 АҚШ долларига сотиб олиши, пулини бир ойда беришини айтиб, уни алдаб, Ўзбекистон тумани, Охта-Тағоб маҳалласида жойлашган “Ҳауран-Union” кўшма корхонаси ҳудудида турган А.Р. ва Х.А.га тегишли нархи 30.675.250 сўмга тенг бўлган 2.500 АҚШ долларлик полистра блок ишлаб чиқариш дастгоҳини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Протестда, С.Т. томонидан жабрланувчига етказилган моддий зарар унинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлиги сабабли унга нисбатан тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштириш масаласи кўйилган.

Судланган С.Т. ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятида,



жабрланувчига етказилган моддий зарар оила-аъзолари томонидан тўлик қопланганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгартиришни сўрашган.

Судланган С.Т. ўзининг эътирозномасида, протестга нисбатан эътирози йўқлигини билдирган.

Жабрланувчилар А.Р. ва Х.А. ўзларининг эътирозномаларида, етказилган моддий зарар қопланганини билдиришган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Д.Халикназарованинг маърузасини, прокурор С.Эрматовнинг протестни қаноатлантириш, ҳимоячи С.Сатторов ва судланган С.Т.нинг апелляция протести ва шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчилар А.Р. ва Х.А.нинг етказилган зарар қопланганлиги сабабли С.Т.га озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган С.Т.нинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган фирибгарлик жиноятини содир этганлиги, жабрланувчилар А.Р. ва Х.А., гувоҳлар А.Азимов ва Ж.Ғуломовнинг биринчи инстанция судидаги кўрсатувлари, иш ҳужжатларидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати **ЖК** 168-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси тури, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Жабрланувчилар А.Р. ва Х.А. суд ҳукми билан судланган С.Т. ҳисобидан ундирилиши белгиланган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги юзасидан ариза билан мурожаат этганларидан ташқари, апелляция инстанцияси судида,



моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланган С.Т.га нисбатан даъволари йўқлигини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши белгиланган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди С.Т.га оид суд ҳукмини ўзгартириб, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангани сабабли унга ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан унинг шахси, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, оилавий шароити, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг 2024 йил 2 апрелдан 9 апрелга қадар қамокда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, шу муддатни ўталган деб ҳисоблашни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, апелляция протести ва шикоятни эса қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 491, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Т.С.Э.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2024 йил 2 апрелдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Т.С.Э.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан С.Т.нинг 2024 йил 2 апрелдан 9 апрелга қадар қамокда сақланган 7 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, ўталган деб ҳисоблансин ва ўташ учун 11 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Данғара тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Т.С.Э.га нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Жабрланувчилар А.Р. ва Х.А.га етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция протести ва шикояти қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Фарғона вилоят



судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Вахобов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Ш.Каримов

имзо

Д.Халикназарова

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяси

Д.Халикназарова

